

# Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

## КИМЁ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Razikov Otobek Rustamovich*  
*Chief Specialist*

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон кимё саноатини ривожлантириши, унинг ишлаб чиқарии салоҳиятини ошириши ва бозор иқтисодиёти механизмларининг ишлишини таъминлаш жараёни ўрганилган. Шунингдек, кимё саноатида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарии ва мураккаб технологик жараёнларни амалга ошириши учун кенг кўламли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириши борасида тақлиф ва тавсиялар келтирилган.

**Калим сўзлар:** *chemical products, chemical industry, diversification, modernization, investment, export, mineral fertilizers.*

2021 йилдан бошлаб, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишда асосан хусусий, шу жумладан хорижий инвесторлар ва технологик шерикларни жалб қилишни назарда тутувчи «Кимё ва газ-кимё саноатида технологик кластерларни яратиш бўйича очиқ ҳамкорлик дастури» жорий этиш белгиланди. Бунга кўра:

- янги ишлаб чиқариш қувватларини (войиҳаларини) кластерларнинг таркибида йирик технологик мажмуаларга туташ ҳудудларда ёки бўш майдонларда тендер (танлов)лар асосида жойлаштириш;

- юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватларини кимёвий хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар негизида яратиш.

Дастурга қўйидаги технологик кластерлар киритилади: «Навоийазот» АЖ, «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ, Устюрт ва Шўртан газ-кимё мажмуалари ҳамда синтетик суюқ ёқилғини ишлаб чиқариш заводининг ишлаб чиқариш ва унга туташ ҳудудлари; трансформация ва хусусийлаштириш жараёнлари тугагандан сўнг, жамиятларнинг ваколатли бошқарув органлари қарорлари асосида «Фаргонаазот» АЖ ва Фаргона нефтни қайта ишлаш заводининг ишлаб чиқариш ва унга туташ ҳудудлари<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мавжуд қувватларини модернизация қилиш ва янгиларини қуриш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳамда экспорт ҳажмини кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, инвестициявий жозибадорликнинг пастлиги ва тармоқни ривожлантириш учун ўз маблағларининг етарли эмаслиги хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs>. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan of February 13, 2021 "On measures for further reform and financial rehabilitation of enterprises of the chemical industry, the development of production of high value-added chemicals".

# Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

илғор технологияларни жорий қилиш имконини бермаяпти, бунинг оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотда минерал ўғитлар улушининг юқорилиги сақланиб қолмоқда.

Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида жаҳон кимё саноати ривожланишининг тенденцияларини ва республиканинг муҳим хомашё салоҳиятини ҳисобга олувчи фундаментал илмий база ва замонавий лойиҳа-инжиниринг ишланмалари мавжуд эмас.

Кимё тармоғини янада диверсификация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳамда ички ва ташки бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, етакчи хорижий институтларни жалб қилган ҳолда замонавий илмий ва лойиҳа базасини яратиш, шунингдек, "Ўзқимёсаноат" АЖ корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида республика кимё тармоғини янада ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари белгиланди:

- углеводород хомашёсини ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида иқтисодиёт тармоқларида ва жаҳон бозорида талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли кимё маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириш;
- республиканинг минерал ўғитларга бўлган талабини қондириш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва фаолият юритаётганларини модернизация қилиш;
- кимё саноати корхоналарининг устав капиталида давлат иштирокини қисқартириш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, тармоқ корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш орқали базавий маҳсулотларни қайта ишлашни чуқурлаштириш;
- фанни ва соҳавий илмий тадқиқотларни фаол ривожлантириш, шунингдек, биринчи навбатда, углеводород хомашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга қаратилган илғор илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга интеграция қилиш;
- лойиҳа-инжиниринг ишлари ва диагностика тадқиқотлари сифатини ошириш, кимё ва кимё технологияларининг барча йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизимини ташкил этиш<sup>2</sup>.

Мамлакатда углеводород хомашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаб, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича катта салоҳият бор. «Ўзқимёсаноат» акциядорлик жамияти томонидан бу борада 1 миллиард 355 миллион долларлик 21 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Шундан қарийб 60 миллион долларлик 8 та лойиҳа жорий йилда ишга туширилади. Корақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Навоий, Жиззах ва Тошкент вилоятларида жойлашган ушбу корхоналарда 11 турдаги янги маҳсулот ўзлаштирилади. Йилига 450 миллиард сўмлик товарлар ишлаб чиқарилиб, 15 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш ҳамда қарийб 30 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади. Ушбу корхоналарда 260 киши иш билан таъминланади.

<sup>2</sup> <https://uzkimyosanoat.uz/uz/documents/presidents>.

# Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

Бундан ташқари, айни пайтда умумий қиймати 2 миллиард 600 миллион доллардан зиёд бўлган 18 та лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда.

Умумлаштириб айтганда, бу йилги ва истиқболдаги барча лойиҳалар натижасида 3 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яратилади, тармоқнинг экспорт салоҳияти 1 миллиард 300 миллион долларга етади. Янги корхоналарда 3 минг 500 га яқин иш ўрни ташкил этилади<sup>3</sup>.

2019-2030 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури маъқулланди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарори билан “Ўзкимёсаноат” АЖ нинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргалиқда оптималлаштирилган ва янги истиқболли лойиҳалар билан тўлдирилган, ҳисобланган қиймати 12,1 миллиард АҚШ долларига teng, шу жумладан, 1,7 миллиард АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига 31 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланди.

Азотли, фосфорли, калийли ва мураккаб минерал ўғитларни, шу жумладан, ушбу маҳсулотларни “Навоийазот” АЖ, “Самарқандкимё” АЖ, “Фаргонаазот” АЖ, “Қўқон суперфосфат заводи” АЖ, “Аммофос-Максам” АЖ, “Деҳқонобод калий заводи” МЧЖ негизида, шунингдек, Сирдарё вилоятининг Янгиер шахри ва Навоий вилоятининг Томди туманида ишлаб чиқариш бўйича амалдаги қувватларни модернизация қилиш, кенгайтириш ҳамда энергия жихатидан самарадор янги қувватларни барпо этиш.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ билан биргалиқда ва етакчи хорижий компаниялар иштирокида ҳамда илғор технологиялар ва замонавий инновацион ишланмаларни қўллаган ҳолда полимер маҳсулотлари, шу жумладан, полиэтилентерефталат (ПЭТ), поливинилхlorид (ПВХ), синтетик каучук, полистирол, полиуретан, полиол, акрилонитрил-бутадиен-стирол (АБС) пластик, полиакрилонитрил (ПАН) маҳсулотларини чиқариш бўйича янги ишлаб чиқаришларни яратиш.

Тармоқ корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини, уларнинг негизида иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини, шу жумладан, меламин, метиламин, формальдегидли, карбамид-формальдегидли ва меламин-формальдегидли сақичлар, этилацетат, озуқа тузи, натрий бикарбонати, хлор-сирка кислотаси, натрий нитрати, бутилацетат, тринатрий фосфат, нитроцеллюзоза, металлургия, нефтгаз ва тўқимачилик саноатлари учун реагентлар, катализаторлар ва кимёвий кўшилмалар, шунингдек, полимер фитинглар, биаксил йўналтирилган полипропилен плёнкаси (БОПП), ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва уларни ишлаб чиқариш учун амалдаги моддаларни чиқариш бўйича ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш масалалари белгиланди.

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, азотли ўғитлар ишлаб чиқариш 2020 йил якуни билан соғ ҳолда жами 1005,3 минг тонна азотли ўғитлар, ёки 2019 йилга нисбатан 107,0 минг тоннага қўп, ўсиш суръати 112% таъминланади.

<sup>3</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2021/03/30/chemistry>

# Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш 2020 йилда жами соф ҳолда 137 минг тонна фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш таъминланади (2019 йилга нисбатан 17,5 минг тоннага кўп ёки ўсиш суръати – 114,6%). Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 4 мартағи 120-сон қарорига асосан “Олмалиқ КМК” АЖ томонидан зарур ташкилий-техник чора-тадбирларни жадал амалга оширган ҳолда 2020 йил 1 апрелдан “Аммофос-Максам” АЖ фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини қунига соф ҳолда камида 350 тоннага етказиш, шунингдек, “Қизилқум фосфорит комплекси” МЧЖда кунлик ишлаб чиқаришни камида 1 700 тонна ҳажмида таъминлаш, хамда нанижада жорий йилда жами соф ҳолда 125 минг тонна фосфорли ўғит ишлаб чиқариш белиланган.

“Қўқон суперфосфат заводи” АЖда Сингапурнинг “Индорама” компанияси томонидан корхонани модернизациялаш ишларини жорий йил сентябрь ойида якунлаб, йил яқунига қадар 36,1 минг тонна (соф ҳолда 6,5 минг тонна) суперфосфат ишлаб чиқариш белгиланган.

Калийли ўғитлар ишлаб чиқариш таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, Дехқонобод калий заводи” АЖ тоғ-кон мажмуасининг сильвинит қазиб олиш бўйича янги 7-9-сон панеллари ишга туширилиши ҳисобига қўшимча соф ҳолда 11 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилиб, 2020 йил яқуни билан жами соф ҳолда 210,0 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилади (ўсиш суръати 105,4%).

*Хулоса ўрнида айтши жоизки*, кимё тармоғида ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишда кимё саноати тармоғининг айрим корхоналари активларини маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш орқали амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва кенгайтиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишини рағбатлантириш; “Ўзкимёсаноат” АЖ ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва жамият бошқаруви органларининг мустақиллиги ва масъулиятини оширишга қаратилган корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш; кимё тармоғи корхоналарининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва молиявий ҳолатини янада яхшилаш.

## Адабиётлар рўйхати:

1. President's address to the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan // «The people's word» 30.12.2020.
2. Presidential decree No. PD-5969 on March 20, 2020 "On priority measures to mitigate the negative impact of the coronavirus pandemic and the global crisis on sectors of the economy".
3. <https://lex.uz/docs>. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan of February 13, 2021 "On measures for further reform and financial rehabilitation of enterprises of the chemical industry, the development of production of high value-added chemicals".
4. <https://uzkimyosanoat.uz/uz/documents/presidents>.
5. <https://invest.gov.uz/uz/investor/himicheskaya-otrasl/>
6. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/03/30/chemistry>